



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 6 ноябрь, чоршанба

№88 (11.476)

Эркин нарҳда сотилади

ДЕМОКРАТИЯ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИАТИ ВА ВАТАНГА ХИЗМАТ

Республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши Республика хотин-қизлар кўмитаси ва Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкентдаги ҳарбий қисмлардан бирида айни шу мавзуга бағишланган ўтказган маънавий-маърифий тадбирда асосий эътибор Ўзбекистон Президентининг иккинчи қақриқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузаси моҳиятини тушунтиришга қаратилди.

Демократик жамиятда армия қандай бўлиши керак?

Юрт тинчлиги, Ватан раънақи, турмуш фаровонлигини таъминлаш бевосита аскарлар маънавий-маърифий баркамоллигига қай даражада боғлиқ?

"Демократия – фуқаролик жамияти", "Армия ва ислоҳот", "Навоий асарларидан ватанпарварлик талқини", "Ватан ҳимояси, адабиёт ва матбуот" мавзуларидаги маърузаларда шу масалалар кенг ёрилди.

Республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши

ҳамда Республика хотин-қизлар кўмитаси ҳузурида фаолият олиб бораётган Ҳарбий қисмларда интизомни мустаҳкамлаш, соғлом ахлоқий муҳитни шакллантириш юзасидан тузилган комиссия дастурларга киритилган бундай тадбирларни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги ҳарбий қисмларда ҳам амалга оширишга келишиб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Фулмова сўзга чиқди.

(ЎЗА)

Мардлар қўриқлайди Ватани



ОҚ ЙЎЛ ТИЛАБ

Шу кунларда Тошкент вилоятидаги ҳарбий хизматта қақриув пунктлари ҳар қачонгидан гавжум. Ватан мудофасига овланган йигитлар қақриув комиссиялари қўригидан ўта-яптилар. Жумладан, Тошкент туманда ҳам қақриувчиларни тайёрлаш режали давом этаётир. Уруш қатнашчилари,

меҳнат фақрийлари билан учрашувларда йигитлар Ватан олдидаги муқаддас бурч, азиз юртимиз сарҳадларини ардоқлаб ҳимоя қилиш ҳақида суҳбатлар тинглашяпти. Бугун улар билан Гулистон қишлоғидан меҳнат фақрийси Анвархўжа Абдувалиев суҳбат ўтказмоқда.

— Фарзандларим, ҳарбий интизомни юқори тутишлар, қўролингиз ва техникани пухта ўрганишлар, асло панд емайсиш, — дейди отахон қақриувчиларга оқ йўл тилаб.

СУРАТДА: туман мудофаа ишлари бўлимининг бошлиғи, подполковник Акром Раҳимов ва меҳнат фақрийси Анвархўжа Абдувалиев қақриувчилар даврасида.

Даврон АҲМАД олган сураат.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

«AMBULANCE»НИНГ ХАЙРЛИ ТАДБИРИ

Вилоятнинг «AMBULANCE» шифокорлари «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Бекобод тумани бўлинимаси билан ҳамкорликда бир қатор хайрли ишларни амалга оширишди.

Жумладан, педагогика билим юрти ва Далварзин маиший хизмат касб-хўнар коллежи талаба қизларидан 522 нафар ва «Деҳқонобод», «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиқларида 240 нафар она-болалар, 1-болалар боғчаси 60 тарбияланувчиси тиббий қўриқдан ўтказилиб, уларга дори-дармон тарқатилди. Шунингдек, 16 нафар ётиб қолган қариялар,

олтита ногирон аёл ва болаларнинг соғликлари текширилиб, улар ҳам бепул дори-дармон ва кийим-кечак билан таъминландилар.

Тиббий-ижтимоий гуруҳ шифокорлари аҳоли ўртасида бўқок ва камқорликнинг олдини олиш ва даволаш усуллари ҳақида суҳбат ўтказиб, беморларга фойдали таслаҳатлар беришди.

Ўз муҳбиримиз.

ЎСМИРЛАР ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ

Тошкент туманидаги Охунбоев номли ўйингоҳда «Биз терроризмга қаршимиз» шиори остида стол тенниси беллашуви бўлиб ўтди.

Туман спорт кўмитаси, халқ таълими бўлими, «Соғлом авлод» жамғармаси туман бўлими ҳамийлигида икки кун давом этган ушбу мусобақада тумандаги барча мактаблардан 162 нафар ўғил ва қиз қатнашди.

5-7 ва 8-11 синф ўқувчиларидан иборат икки гуруҳда ўтган учрашувда голибликни қўлга киритган ўқувчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Саъдулла МАТЕҚУБОВ.

КОРХОНАНИНГ ЯНГИ БЎГИНЛАРИ

Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл қорхонада хорижий сармоядорлар билан биргаликда қатор қўшма корхоналар тузиляпти.

Чунончи, вьетнамлик тадбиркорлар ёрдамида «Эритеш энгинееринг» деб номланган қўшма корхона барпо этилмоқда. У металл парчаларини, рангли ва махсус металлари қайта ишлаб, улардан турли хил махсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Буюк Британия сармоядорлари

билан шерикчилик асосида ҳам яна бир қўшма ишлаб чиқариш яратилмоқда. Бевосита комбинат қошида ишга туширилган бу қорхона ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлади.

Собир ҲАМИДОВ.

УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Оқангон тумани Қорახитой қишлоғида диний ақиданарасталиқнинг олдини олишга қаратилган тадбир бўлиб ўтди.

Унда туман ёшлари, дин арбоблари ва кексалар иштирок этдилар. Учрашув иштирокчилари баъзи бир гуруҳларнинг диний никоҳи остида ишларга таъсир ўтказиб, йўлдан оздираётгани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Кексалар ўз ҳаётларидаги ибратли воқеа-ҳодисалардан сўзлаб бердилар. Тумандаги барча қишлоқларда ана шундай тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

Ўз муҳбиримиз.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Шу сонга Шу сонга

СЕГИЗБОЕВ:

РЕЖА

УДДАЛАНДИ

2002 йил пахтакорлар учун мураккаб келди. Бироқ табиий қийинчиликларни писанд қилмай, агротехник тадбирни ушқоқлик билан, оби-табиада амалга оширган ҳўжаликлар режани қоплайдиган даражада ҳўсил тўппай олдилар.

Жумладан, 1895 гектар ерга чигит қадаган Оқўрғон туманидаги Сеғизбоев номли ширкат хўжалиғи пудратчилари давлатга пахта сотиш режасини бажаришга муваффақ бўдилар. Шу кунгача қабул пунктлари-

га режадаги 5097 тонна ўрнига 5130 тоннадан зиёд хом ашё топширилди. Айни кунларда майдонларни қолган ҳосилдан тозалаш, кузги шудгорни бошлаш тараддуди қўрилмоқда.

БОЛАЛАР СПОРТИ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш ҳамдармасини тузиш тўғрисидаги Фармони ҳақида маъруза хўжатининг ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Вазирлар Мақамасининг қарори моҳияти, аҳамияти ва мақсадига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Республика Миллий Олимпия кўмитаси, Давлат Жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Республика касаб ва уюшмалари федерацияси ва бошқа қатор жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Анжуманда маъруза икки хўжатда мамлакатимизда оммавий спортни ривожлантиришда, болаларимизнинг соғлом вояга етишида, шунингдек, улар орасидан келажакги порлоқ спортчилар етишиб чиқишида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Жумладан, тузилмадаги жамғарманин олдидаги вазифа – болалар спортини ривожлантиришда мутахассис кадрларни танлаш, тайёрлаш, болаларни

қизиқишларига қараб спорт турларига жалб этиш, жойларда замон талабларига жавоб берадиган спорт иншоотларини барпо қилиш, уларни замонавий анжонлар билан таъминлаш ва бошқа қатор масалалар ҳақида атрофича тўхталдилар. Қолаверса, бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган спорт мактаблари ишини жонлантиришда жамғарманин ўрни катта эканлиғи ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ийғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоблар олдилар.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

МАМЛАКАТ СУГУРТА БОЗОРИ УЧУН КАДРЛАР

Мамлакатимиз пойтахтида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси негизида Сугурта бизнеси ўқув маркази иш бошлади.

Маъзур марказни таъсис этишдан мақсад сугурта соҳасида амалий йўл билан орттирилмаган кўникмаларни тақомиллаштириш, касбий билимларни эгаллаш ва чуқурлаштиришга қаратилган ўқув дастурлари ва махсус курсларни амалга оширган ҳолда универсал таълим тизимини яратишдир.

Маълумки, таълим жамият ривожиди алоҳида ўрин тутди, айнан таълимнинг келажакини белгилайди, интеллектуал салоҳиятни шакллантиради. Сўнгги вақтда турли даражадаги кадрлар малакасини мунтазам ошириш жараёни жадал ривожланмоқда, бизнес-таълимни шакллантиришда ҳам муҳим кадам ташланди, — дея таъкидлади ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи ҳузуридаги Сугурта назорати бўйича давлат инспекцияси бошлиғи Баҳром Ашрафонов.

Мамлакатимиздаги икти-

содий ва молиявий вазиятнинг ўзгариши таълим ва кадрларни қайта тайёрлашнинг юқори самарали ноанъанавий шаклларида кенг фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўқув маркази ўз олдида қўйган максалдларига эришиши учун семинар-практикум, тренинг, давра суҳбатлари, ахборот-маслаҳат тадбирлари ҳамда тренер-маслаҳатчининг алоҳида ишлаши каби таълимнинг турли шакл ва услубларидан фойдаланади.

Бу эса марказнинг ўқитувчилари ва маърузачилари, шу жумладан мамлакатимиз ва хорижий сугурта бозорининг етакчи мутахассисларига тингловчилар олаётган билимларни яхши ўзлаштиришини таъминлаш, ўқув материалларини ўзлаштирилиши сифатини ошириш, ўқувчиларнинг ўқув жараёнига фаол жалб этилишига қўмақлаш имконини беради.

Ж. РАУПОВ, ЎЗА муҳбири.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Олий Мажлисда Ўзбекистонда кредит уюшмалари тизимининг ривожланиш истиқболлари ва жаҳон тажрибасига бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, банклар ҳамда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кредит уюшмалари, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари қатнашди.

Маъзур тадбир Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси, Марказий банк, Осиё тараққиёт банки, АҚШ Халқаро тараққиёт буйича агентлиғи ва Жаҳон кредит уюшмалари кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қончилигида кредит уюшмалари фаолиятига дахлдор

ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иккинчи қақриқ Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясидаги маърузасида банк тизими билан бир қаторда, инвестиция ресурсларини жамлаши мумкин

бўлган банкдан ташқари молия институтлари тизимини ташкил этиш заруратини алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Анжуманда қонунчилик ва халқаро ҳамкорликнинг республикамиздаги кредит уюшмалари фаолиятига тааллуқли долзарб масалалари, хусусан, кредит уюшмалари фаолиятини бошқаришнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси хусусиятлари, банкдан ташқари молиявий институтларни бошқаришнинг чет эл тажрибаси, Ўзбекистонда кредит уюшмалари тизimini яратиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ҳамда

мамлакатдаги дастлабки кредит уюшмалари фаолияти тажрибаси ҳақида батафсил сўз юритилди.

Кредит уюшмалари ўз фаолиятини амалга ошириши давомиди дуч келаятган баъзи муаммолар, уларни бартараф этиш йўлларига эътибор қаратилди. Фуқаролик кодекси, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун, Солиқ кодекси ва Марказий банкнинг меъёрий хўжатларига ўзгартиришлар киритиш юзасидан тавсиялар қабул қилинди.

(ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиғи олдидан

Бош қонунимиз – Конституциянинг жамиятимиздаги ўрни, аҳамияти, маъно-маъмуни ва моҳиятини ўрганиш ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тўғри шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши халқ таълими тизимини муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Фармойишга кўра Конституцияни ўрганиш мактабгача таълим муассасаларида уч босқичда – ўрта ёш (3-4 ёш), катта ёш (4-5 ёш) ва мактабга тайёргарлик даври (6-7 ёш)дан амалга оширилмоқда. Бош қонунимизни ўрганишга йўналтирилган машғулотлар болалар боччаларида «Конституция сабоқлари» деб номлана-

ди. Дастурнинг асосий мақсади болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар онгида давлатимиз рамзлари, Конституция ва қонунлар тўғрисидаги илк тасаввурни уйғотишдан иборатдир.

Умумий таълим мактабларининг 1-9-синфларида эса табақалаштирилган ҳолда Конституцияни ўрганиш йўлга қўйилган. Масалан, бошланғич (1-4)

синфларида «Конституция алифбоси» буйича ҳар бир синфда «Она тили», «Одобнома», «Атрофимиздаги олам», «Ўқиш» каби предметлар таркибид

лаётган машғулотлар, кўрик-танловлар, учрашувларнинг аҳамияти ҳам катта бўлмоқда. Таълим муассасаларида Конституцияимизни ўқитишга тайёргарлик жараёнида ўқувчиларга ушбу фанга қизиқишни янада ошириш мақсадида «Сиз қонунчи биласизми?», «Сиз Ўзбекистон Конституциясини биласизми?», «Президент асарларининг билимдонини», «Конституция – бахтимиз пойдевори» мавзуларидаги кўрик-танловларга барча ўқувчилар кенг жалб этиляпти.

Шунингдек, умумтаълим мактабларида «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фани билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш курси ўқув жадвалига киритилган.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

AZIZ DO`STLAR!

Республикамизда газета ва журналларга 2003 йил учун обуна давом этмоқда. Почта алоқаси бўлимлари ва газета дўконларида «Матбуот тарқатувчи»нинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида обунани расмийлаштириш мумкин.

Севишли газетангиз «Тошкент ҳақиқати»га 2003 йил учун обуна бўлишни унутманг. Уни вақтида расмийлаштириб қўйсангиз, кўнглингиз тўқ бўлади – Сиз келгуси йил давомиди ҳам яна биз билан ҳамроҳ бўлишингиз мумкин.

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

Уй эгалари ширкатлари: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Халқ ҳўжалигининг барча тармоқларидаги каби коммунал хизмат соҳасида ҳам иқтисодий ислохот чуқурлашиб бормоқда. Бунинг натижаси сифатида жойларда уй эгалари ширкатлари ҳам пайдо бўла бошлади.

Уларга турар-жойларни хусусийлаштириб, ўзининг шахсий мулкига айлантирган оилалар бирлашмоқда. Бундай ташкилотлар уйларга коммунал хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш ишларини ўз зиммаларига олмақда. Мазкур тузилмалар ўзларига бирлашган уй эгаларидан тушадиган бадал маблағлари ҳисобига фаолият кўрсатишяпти.

Замон талаби билан юзага келган бундай нодавлат ташкилотлар Бекобод шаҳрида ҳам барпо этиляпти. Хозиргача уларнинг сони 24 тага етди. Айримлари ташкилий даврни қисқа муддатда ўтаб, оёққа туриб олдилар ва ўз вазифаларини муваффақиятли уюлдирашда қўлдан келганини кўрсатишмоқда.

Замон талаби билан юзага келган бундай нодавлат ташкилотлар Бекобод шаҳрида ҳам барпо этиляпти. Хозиргача уларнинг сони 24 тага етди. Айримлари ташкилий даврни қисқа муддатда ўтаб, оёққа туриб олдилар ва ўз вазифаларини муваффақиятли уюлдирашда қўлдан келганини кўрсатишмоқда.

Хозир ширкатда турли касб эгалари бўлган 12 ишчи меҳнат қилляпти. Улар асосан етук пайвандловчи, сантехник, чилангар, қоварловчи мутахассислар бўлиб, ҳар қандай мураккаб ва машаққатли юмушларни бемалол бажарадилар, уларнинг савий-харакатлари тўғрисида ахборот бериб беришга тайёр бўлибди. Ширкатда турли касб эгалари бўлган 12 ишчи меҳнат қилляпти. Улар асосан етук пайвандловчи, сантехник, чилангар, қоварловчи мутахассислар бўлиб, ҳар қандай мураккаб ва машаққатли юмушларни бемалол бажарадилар, уларнинг савий-харакатлари тўғрисида ахборот бериб беришга тайёр бўлибди.

ЗАНГИОТАЛИКЛАР ИБРАТИ



— Шаҳарчалар ва қишлоқларимизда 13 миңдан ортиқ нуруний отахон ва онахонлар яшашди, — дейди «Нуруний» жамғармаси тўғрисида муамаларнинг раиси Мирза ака Аҳмедов. — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари 202 кишини ташкил этади. Улар қаторида 15 аёл бор. Фронт орқасида меҳнат қилиб, уруш қатнашчиларига тенглаштирилган 258 қариянинг 124 нафари ҳам аёллардир. Фуқаролар йигинлари қоидадаги жамоатчилик марказлари ва маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда Нуруний исломий марказларидаги қарияларнинг ҳаётини яхшилашга қўлдан келганини кўрсатишмоқда.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурини амалга ошириш борасида Зангиота туманида кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда.

ишлар қилинди. Жумладан, тумандаги 96 та маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ва кўчаларнинг яшилдириш ишлари амалга оширилди. Уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам унда баҳоли-қўдрат иштирок этиб, ёшларимизга бош-қош бўлишди. 2675 туп мевали дарахт, 2000 га яқин терак қўчати ва қаламчалари ўтказилиб, ёш нихолларнинг парваришига эътибор суйатирилгани йўқ. Вақти-вақти билан сўғориб, таги юмшатиб турилган қўчатлар ёз бўйи гурқираб ўсди.

Кўчалар ва шаҳарча фуқаролар йигинларида кекса авлод вакиллари билан урғашувлар, устозларни шарафлаш тадбирлари ўтказилди. Унда нуруний отахон ва онахонларимиз, турли касб эгалари ёшларга ўз ҳаётий тажрибалари, меҳнатсеварлик, ҳўнар эгаллаш ҳақида гапиришди. Бу хайри ишларни амалга оширишда Улугбек

туғатишда қатнашганлар учун маданий урғашувлар уюштирилди. Бундай тадбирлар ёшларда ҳамиша алоҳида қизиқиш уйғотибди. Уруш йилларида ўзбек ўғлонларининг фронтда кўрсатган қаҳрамонлиқлари, саноат ва қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш учун сарфлаган мардона меҳнат ҳақида хотиралар баҳтимиз учун қурашган оталар ва оналарга ёшларда ҳўрмат-эҳтиром туйғуларини қўчатиляпти. Дилдан сўзлаб чоғи йигит-қизлар оталар ишини давом эттириш, муқтақил Ватан иқтисодиётини кўтариш учун баркамол, меҳнатсевар инсонлар бўлиб етишажаклари ҳақида гапиришмоқда.

Қариялар иштирокида турли тадбирларни амалга ошириш бўлиб беришга ҳам қўлдан келганини кўрсатишмоқда. «Нуруний» жамғармаси тўғрисида муамаларнинг раиси Мирза ака Аҳмедовнинг айтишича, уларнинг савий-харакатлари тўғрисида ахборот бериб беришга тайёр бўлибди.

Хасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

ОТА НИМДАН НОРОЗИ?

Тахририятга хат келди. Оқ қоғозга Оҳангарон тумани Эйвалек шаҳарчасида яшовчи, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 84 ёшли Уринбой ота Қобуловнинг дил ўқинчлари тўқилган эди.

Хат мазмунига кўра 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» бўлишига қарамай, Эйвалекда баъзи бир кексалар, шу жумладан, Уринбой ота ҳам эътибордан четда қолаётгани баён этилган. Хусусан, унда шундай жумлалар бор эди: «...Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман. Менга берадиган нарсаси эмас, балки бир оғиз ширин сўзи-ю, озгина эътибор бўлса бас...»

Эйвалекда бўлиб, Уринбой ота билан урғашувчи, воқеалиқдан яна бир бор воқиф бўлди. Отанинг айтишича, шаҳарчада ўтадиган тадбирларда уларни эсламайдилар ҳам. Хатто, бирон киши келиб хол-аҳвол сўрашга ярамайди. — Шукри, — дейди Уринбой ота, — милицияда меҳнат қилиб нафақага чиққанлигим боис, бошқармадан гоҳ-гоҳи йўқлаб туришди. Аммо, ўзқўлда қариндошдан, яқиндаги қўшини яхши. Ёнингдагилар сенга нисбатан ўғайдек муносабатда бўлса, алам қилар экан...

раиси Абулқосим Душаев билан урғашиб келишдан мақсадимизни тушунтириш, қарияларни қадрлаш йилида қилинган ишлар билан таништиришларини илтимос қилдик. Амалга оширилган тадбирлар бўйича маълумотномаларни сўраганимизда, раис йиллик иш режасидан бўлак ҳеч қандай ҳужжатни кўрсата олмади. Унинг айтишича, қотиба туман ҳокимлигига маълумотнома тайёрлаш мақсадида ҳужжатларни уйига олиб кетган эмас.

Кўшма аёли уйда ишхона иши билан шуғулланишига ким ишонди, дейсиз. Қолаверса, қотиба хоҳлаган вақтида келиб, хоҳлаган вақтида кетиши кишини ҳайрон қолдиради. А. Душаевнинг ёзма маълумот беришича, йил давомида қўйидаги ишлар амалга оширилган: 16 март кўни Алишер Навоий номи бўлиб қўйилган меҳнат қилиб, нафақага чиққан 90 нафар қария Самарқандга зиёрат юборилган.

Кизиғи шундаки, юқорида саналган тадбирлар ва амалга оширилган ишларда Уринбой Қобулов эслаб ҳам қўйилмаган. «Нуруний» жамғармаси томонидан берилган 4 миң сўм пул ҳам Уринбой отанинг қўлига мингта гап-сўз, мингта хархаша билан етиб келган.

Тўғри, барчанing қўлини бирдек олиш қийин, аммо умуман унутиб қўйиш ҳам мўмкин эмас-ку. Қишлоқ фуқаролар йигинининг йиллик иш режасида яна 20 га яқин тадбирлар кўрсатиб ўтилган эди. Аммо, уларнинг ижроси ҳақида бирон нарсда дейиш мўшкул...

Бир оғиз қўнғил сўраш, ўтган-кетганда кексанинг холидан хабар олиш учун эса, маблағ шарт эмас, қолаверса, бу миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги, инсонийлик бурчимиз эмасми? Раъшан ҲУСНОВ, «Тошкент ҳақиқати» махсус муҳбири.

УЧ КўНЛИК ЗИЁРАТ

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурини амалга ошириш юзасида Ангрен шаҳрида кўпбоқ хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, яқинда «Янги-обод» йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармаси ҳомийлиги ва «Нуруний», «Маҳалла» жамғармалари бошлиқлигида 40 дан ортиқ отахон ва онахонларнинг Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг муқаддас қадимликларига уч кўнлик зиёрати амалга оширилди. Ўз муҳбиримиз.

ЎТИҚЛАР ВА МУАММОЛАР

Номданакда бўлиб, қишлоқ фуқаролар йигинининг раиси Зоиржон Пирматов билан сўхбатлашганимиз, маҳаллаларни айланиб, турмуш расомади билан танишганимиз, ҳаёт қон томирининг уришини — бугун мамлакат қандай даражада яна қандай муаммоларни ҳал қилиш ташвишида эканлигини яққол ҳис қилганимиз.

— Қишлоғимизда 6 миңга яқин аҳоли истиқомат қилади. — Пирматов пастдаги қўруқ Қизилсув сойига, ундан нари — қончилар шаҳарчасига тикланганча сўзлайди. — Ҳар йили 100-120 киши қўшилиляпти. Ҳар олтинчи жон — мактабгача эди. Қишлоқ мактабда 1400 ўқувчи билим олмақда. Фақат ҳар учинчи киши — меҳнатга яроқли. Демак, бир кишининг меҳнати уч кишини боқибди керак. Иш билан бандлик, топши-тутиш ва оила ҳўжалигини юрйтиш муаммоларининг нечоғли долзарблигини шундан тушунавериш.

Биз қишлоқдаги ширкат, қорхона, фирма ва дехқон-фермер ҳўжаликларини фаолиятини бир-бир тахлил қилиб чиқдик. Аҳолининг меҳнатга яроқли қисми, асосан, «Номданак» ширкат ҳўжалигида ишлаяпти. Бу йил 524 ширкатчи тоқдор, галлазорларда меҳнат қилди. 1150 гектар майдонда мўл галла етиштирилди. Шартонома режасидан ортиган уруғлик учун ажратилди, одамларга тарқатилди. Ҳўжалек оғирлиги яна 600 тонна дон қолди. Галла баракали бўлгани тоқдорлардаги бу йилги унмиссиянинг бир қадар қолди, албатта.

Мактаб ва поликлиника — яқин-яқин пайларгача қишлоқдаги бошқа иш жойлари доира-си шўлар билангина чегараланди. — Муқтақиллик шарофатларини кўп гапираимиз, — дейди меҳнат фахрийси Эргаш Хожиев. — Биз уларни ўз ҳаётимизда кўриб туришимиз. Кейинги йилларда фақат Номданакнинг ўзида ўнлаб янги иш жойлари пайдо бўлди. Шўлардан бири — бизнинг «Бахт» фермер ҳўжалигимиз. Ўғлим Мавлонбой уни яқин бошқаряпти, ривожни муқим. Яқинда Қизилтоғ шаҳарча-

сида ҳувиллаб ётган бир бинони сотиб олди. Сўтни қайта ишлаш цехи, умумий овқатланиш қорхонаси очиб ҳаракатини да юрипти. Бундай гурқираб бораётган ҳўжаликлар қишлоқда оз эмас. Умуман, фермер ҳўжаликларини 30 тадан ортиқ. Умумийлик билан шуғулланувчи «Қалдиғоч» ва «Чарос» янги шароитларда муайян иш тажрибасини ортирган қишлоқ бақуввати хусусий ҳўжаликлардан.

«Хамкор» акциядорлик жамияти — бугунги Номданакнинг фахри. Бу Ўзбекистон-Россия қўшма қорхонаси ширкат ва хусусий бодгорчилик ҳўжаликларидан узумини сотиб олиб, дастлабки қайта ишлов билан шуғулланяпти. Қорхона ҳар йили ўнлаб кишиларни мавсумий ишларга жалб қилади. Қишлоқда маъшиий хизмат, савдо-тижорат қорхоналари ҳам пайдо бўла бошлади. Учта тегиримон, маъшиий хизмат уйи, этикдўзлик устахонаси, тиш даволаш хусусий фирмаси... Бугун Номданакда ташкил этилиб, аҳолининг кўндалик турмушига сингиб бораётган инфратузилмаларининг йўналишлари фақат шўлар билан чекланмапти. Умумий овқатланиш қорхонаси, янги қойхона, автосервис пайдо бўлди. 43 та дехқон ҳўжалиги ўз ишларини ҳийла муваффақиятли юрота бошлади.

ГАЗГА ЎТКАЗИЛГАНЛАРИ КўПАЙМОҚДА

Чўнончи, автоуловларни ёқилган арзон тури бўлган газ билан ишлашга мослаштириш ҳам шўнга хизмат қилмоқда. Бу, аввало, транспорт ҳаражатларини камайтириб, муайян ҳажмдаги маблағларни тежаш имконини туғдирмоқда. Хозиргача уюшмада шўндай экологик соф

Транспорт

ёқилги билан ишлаётган транспорт воситалари сони саккиз юзтага яқинлашиб қолди. Шў йилнинг биринчи ярмида 59 та автомашинани газ билан ишлашга ўтказиш назарда тутилган эди. Амалда эса, 61 та автоулов бунинг учун лозим бўлган мосламалар билан жиҳозланди. Учинчи чоррақда уларнинг сони яна кўпайди. С. ҲАМИДОВ.

КОРИЖ САРМОЯЛАРИ ҲИСОБИГА

Ангрен шаҳри «Санотқилиқкорхона» ҳиссасдорлик жамияти тўққиз ойлик режани 110 фоиз кўрсаткич билан муваффақиятли якунлади.

Утган давр мубайнида қорхона 14 миллион 180 миң квадрат-метр ҳажмда қоғоз қўнлар, 16 миллион 680 миң квадрат-метр гоғри қўти ва 231 миң квадрат-метр ҳажмда талапи пилталар ишлаб чиқарди. Янги очилган қорхона маҳсулоти 369 тонна сифатли махсулот тайёрланди. Шў қўнларда жамият Швейцариянинг «Miller Trading GmbH» компанияси билан ҳамкорликда ҳаётан андозалари даражасида турли ҳўжалик қоғозлари ва бошқа тайёр махсулотларни ишлаб чиқаришга тайёрланмоқда. Ўз муҳбиримиз.

МАШЎУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Мудофасага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли автомобиль мактаблари да янги ўқув мавсуми бошланди.

Ҳарбий хизматга қакирилувчи ёшлар мудофаса ишлари бўлимлари, ҳокимликлар, маънавият ташкилотлар ҳамкорлигида тиббий қўриқдан ўтказилиб, бу мактабларга юборилди.

Барча ўқув ташкилотлари раҳбарлари, ўқувчи ва ўргатувчилар, техник устازلар билан ўқув-ўқувчи семинарлар ўтказилди. Ўқув юртларининг моддий-техника негизлари тўла таъмирланиб, уларда амалий машғулотлар бошланди. Ўз муҳбиримиз.

КўНГИЛИНИНГ ОДАМИ

Оҳангарон тумани «Тадбиркор аёл» ишбилармонлар уюшмаси раиси Гулчехра Пўлатова суратига баъзи чизгилар

Мустақиллигимиз шарофати, у берган эркинлик ва имкониятлар тўғрисида бугун АЁЛ ҳам тадбиркор, ҳам оиласининг чироғи, фарзандларининг суяч тоғи, элу юртининг беиминат дастёри, қолаверса, ўзда дабурунлик ва тадбиркорликнинг ёрқин тимсоли ҳам аёллар. Виллат «Тадбиркор аёл» ишбилармонлар ассоциациясида Гулчехра Пўлатова ҳақида сўз борса: «... Унга ва атрофдагиларга нисбатан талабчан, изланувчан, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга имкон берувчи янгиликларни ҳаётга тадбиқ этишга иштиёқманд кўнглининг одами», дея таърифлашди. Демак, танишинг: Гулчехра Пўлатова. У 1962 йили Оҳангарон туманида туғилган. Маълумоти ўрта-маҳсус; касби тикувчилик; «Гулчехра» дехқон-фермер ҳўжалиги раҳбари; оилали, уч фарзанднинг онаси. У болалар либосларини тикишни ва машина ҳайдашни ҳуш кўради. Гулчехранинг болалиги ҳамқишлоқ дўгоналариникидан асло қўлиммайди. Битта фарқи шўки, у ака-укалари даврасида улар билан талашиб-тортишиб ўсганлигидир. Шаддоқлик, қўртқерарлик, қилман деган ишга астойдил ёпишиб, уни удаллай олиш сингари одатлар эса, ўзига ҳос хислатга айланган. ... Қиз бола воёга етдики, бас, у биронинг ҳасми. Яқин бир ҳондонга бека бўлиб, унинг пасту баландига бардош бериш, чаккон, ширинсуз, уй-рўзгор ишларига эгичлик, қолаверса, пазанда бўлиш ҳам қизларимизга ҳос фазилатлар. — Аёлларимиз қанчаллик тиришқок бўлишмасин, уларнинг иқтисодий билимлари етишмас-

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

«Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси жорий йилнинг бошида «Бугунги кун қаҳрамони» мавзуда адабий сценарийлар танловини эълон қилган эди.

Танловга юборилган асарларда миллий истиқлол гоёси тантанаси, турмушимиз ва тафаккуримизда рўй берган ўзгаришлар, адолат ва эзгулик йўлида матонат курсатиб,

Ватан манфаати учун фидокорона меҳнат қилаётган замондошимиз сиймоси, унинг маънавий дўниси, эътиқоди, орзу-ўйлари, интилишлари умумлашган бадий-фалсафий ва

Ҳаётий заминда теран акс этиш назарда тутилган. Танловга олтишудан ортиқ сценарий келди. Ёзувчи Муродбой Нисоновнинг «Танка» адабий сценарийи ҳаётга яқинлиги, жонлилиги, қизиқарли манзараларга бойлиги билан эътиборини тортади.

Жўрабек МУРОДОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

(УзА).

Асосий қонунимизни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ БАХТИМИЗ



70-модда. Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Қорақалпоғистон Республикаси суверенитети Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофазат қилинади.

Бошқа ҳар қандай халқ каби, қорақалпоқ халқи ўзига хос суверенитетга эга бўлиб, бу суверенитет миллий давлатчилик тўғрисидаги масалани ҳал қилишни назарда tutади. Олтинчи йилдан эъди вақт мобайнида Ўзбекистон таркибига бўлиш Қорақалпоғистоннинг тарихий тақдирини ўз ичига қолдириди. Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг биродарларча муносабатига ягона тарихий ва этник илдизлар, жуғрофий яқинлик, маданий ва тил бирлиги таъсир кўрсатди. Бу халқларнинг тарихий умумийлиги уларнинг бир давлатда яшаш истагини белгилаб берди. Собиқ совет даврида Қорақалпоғистоннинг ҳуқуқий мақоми муҳтор республика доирасида таърифланарди. Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини кўлга киритган, Қорақалпоғистоннинг мақоми суверен республика даражасига кўтарилди.

Конституциянинг 68-моддасида Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирликка киритилиши, унинг шундай бирликлардан бири эканлигини аниқлашди. Унинг мақоми тўғрисидаги Конституцияда «Суверен Қорақалпоғистон Республикаси...» деб тўғридан-тўғри ва аниқ белгилаб қўйилган.

Ушбу шарҳларда Ўзбекистон Республикаси Қорақалпоғистон Республикасини ўз таркибига олган унитар давлат сифатида таърифланади. Ўзбекистоннинг давлат тузилишига федерализмнинг баъзи қирралари хос. Қорақалпоғистоннинг суверенитетга эгаллиги шу жумладандир. Бу қирралар қаторига қуйидагиларни киритиш лозим:

а) Ўзбекистон таркибига Қорақалпоғистон Республикасининг ўз ҳудуди ва аҳолисига эга бўлган алоҳида давлат-ҳуқуқий тузилма сифатида мустақиллаб қўйилганлиги;

б) Ўзбекистон қонунчилиги тизимида Қорақалпоғистон Республикасининг мустақил қонун ҳужжатлари тизими, жумладан алоҳида норматив ҳужжат — Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг (Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлмаган) мавжудлиги;

в) Қорақалпоғистоннинг алоҳида ва маълум мустақилликка эга бўлган давлат-ҳуқуқий институтларининг, яъни парламенти, олий суд органлари, ҳукумати ва бошқаларнинг фаолият кўрсатиши;

г) Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди ва чегараларининг дахлсизлиги;

д) Қорақалпоғистон Республикасининг ўз маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини мустақил ҳал қилиши, республи-

ка бюджетини қабул қилиши, ўз ҳудудида солиқлар ва йиғимлар ҳажмини мустақил равишда ўрнатиши;

е) Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиш ҳуқуқига эгаллиги;

ж) Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солиниши;

з) Қорақалпоғистон Республикасининг ўз давлат рамзлари: байроғи, герби ва мадҳиясига эгаллиги.

Охириги иккита белги одатда мустақил давлатга хос, бу эса Қорақалпоғистоннинг суверенитетини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу билан бирга шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикасига унинг таркибий қисми сифатида киради. Ўзбекистон Республикаси эса Қорақалпоғистоннинг мустақиллигини қафолатлайди ва муҳофазат қилади.

Қорақалпоғистон мустақиллигининг Ўзбекистон томонидан қафолатланиши ва муҳофазат қилиш тизimini қуйидагилар ташкил қилади:

— Ўзбекистон Конституциясида Қорақалпоғистон Республикаси суверен ҳуқуқлари ва ваколатларининг мустақамлаб қўйилганлиги;

— Ўзбекистоннинг олий давлат ҳокимияти органлари бўлиши Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий, Олий ва Олий ҳужалик судларида Қорақалпоғистон Республикаси вакилликнинг мавжудлиги;

— ҳудуд устуворлиги принципи, унга кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудуди унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас;

— Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиш масаласи бўйича референдум ўтказиш ҳуқуқи;

— қорақалпоқ тилига давлат тили мақоми берилиши;

— Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ташқи иқтисодий, маданий, илмий ва бошқа алоқалар ўрнатиш ҳуқуқи.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси томонидан муҳофазат қилинадиган ва унинг таркибига кирган суверен давлат деган хулосага келиш мумкин.

Эргаш САЙИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқармаси бошлигининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Миллий университетда Тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг географик асослари мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

БМТ томонидан 2002 йил Жаҳон тоғлар ва экотуризм йили деб эълон қилинган муносабати билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари ва олий ўқув юртиларидан олимлар иштирок этди.

Анжуманда тоғ ва тоғолди ҳудудларидан фойдаланишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш, бу ҳудуд-

даги саноат корхоналарида атроф-муҳитга безарар техника ва технологияларни жорий этишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш, тоғ водийларига оромгоҳлар фаолиятини таркиллаштириш жараёнидаги вазифалар хусусида фикрлашилди.

У.А.

МАРКАЗЛАР ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимизда улайиб келаётган виллоднинг ҳар томонлама етуқ ва баркамол этиб тарбиялаш, уларни турли иллатлар таъсиридан асраш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ЮНИСЕФ ва ЮНЕЙДС халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошираётган «ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш ёшлар маърифий дастури» фаолияти аҳоли, хусусан, ёшлар орасида ана шундай салбий ҳолат ёйилишининг олдини олишга қаратилган.

Хозирги кунда барча виллодларда мазкур дастурнинг ресурс марказлари иш бошлади. Ўқув семинарларида иштирок этган 200 дан кўпроқ йигит-қиз кўнгилли сифатида жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораётди.

Б.ХИДИРОВА,
У.А. муҳбири.

Замона мулкдорлари

зилган шартномага нисбатан эса 16 центнер кўп демакдир. Натижада 6 миллион сўм соф даромад кўрилди. Ҳар бир ишловчининг даромади эса 200-250 минг сўмданга тўғри келди.

— Бошиданок астойдил ишлаганимиз учун пахтаимиз ҳам яхши бўлди, — дейди Малик Каримов. — Бизгача аранг 10 центнер ҳосил берган 32 гектар ердан режадаги 29 центнер ўрнига 35 центнердан хирмон кўтардик. Биринчи йиллик эришган ютуқларимиздан кўнгли тўлган, бизга ишончи ортан туман раҳбарияти яна 56 гектар ер қўшиб берди. 55 киловатт электр қуввати билан ишлайдиган сув насоси

зилган шартномага нисбатан эса 16 центнер кўп демакдир. Натижада 6 миллион сўм соф даромад кўрилди. Ҳар бир ишловчининг даромади эса 200-250 минг сўмданга тўғри келди.

— Бошиданок астойдил ишлаганимиз учун пахтаимиз ҳам яхши бўлди, — дейди Малик Каримов. — Бизгача аранг 10 центнер ҳосил берган 32 гектар ердан режадаги 29 центнер ўрнига 35 центнердан хирмон кўтардик. Биринчи йиллик эришган ютуқларимиздан кўнгли тўлган, бизга ишончи ортан туман раҳбарияти яна 56 гектар ер қўшиб берди.

Бу йил ҳам 80 гектар майдондаги ғўза, 25 гектардаги бўғдой фақат насос билан, 10

гектар шולי эса, туман марказидан оқиб ўтадиган Заҳарик сувини дамба ёрдамида кўтариш ҳисобига сугорилганга қарамай, ҳосил чаки бўлмади. Мирзаали Ковунбоев, Шавкат Собиров, Маъмур Холбоев, Асҳад Турсунбоев ўн гектар майдонда етиштирган шולי қарийб 50 центнердан ҳосил тўқди.

— Йўл четлари ва ариқ бўйларига яхши ният билан уч минг туп терак экандик, — дейди фермер ҳўжалиги аъзоси Азиз Шокиров. — Яна бешолти йилдан сўнг 10-12 миллион сўм даромад беради.

«Покиза-М» бор-йўги иккинчи йил фаолият юрятьпти. Шунга қарамай, иш кўлами, даромад борасида бошқалардан ўзиб кетди. Аммо, тадбиркор фермер бу билан ҳам қаноатланмаётти.

— Яқинда банкдан 10 миллион сўм кредит олдик, — дейди у. — Чорвачиликка ҳам кўл урмоқчимиз. Юз бош қарамолга мўлжаллаб молхона қуриш, соғин ситир ва бўрдо-

Раҳбар омади гапни айтиди. Ҳар томонлама салоҳиятли фермер ҳўжаликлари қанча кўпайса, шунча яхши. Чўки, Юртбошимиз таъриф берганидек, ислохот қалдирғочлари бўлган фермерлар қишлоқ ҳўжалигига бор-оқибат иқтисодий тамойилларини розман қарор топтиришида хал қилувчи роль ўйнашлари шубҳасиз.

Пардабой ЭРГАШЕВ,
Абдусамед Йўлдошев.



Эрта тондан бошланган иш ҳосиятли, охири хайрли бўлади. Малик шуни ўйлаб, ота-онанинг бомдод намозини кўиб бўлишларини кўтди. Жойнамоз йиғиштирилиб, нонуштага ўтиришгач, аста гап бошлади:

— Фермерларнинг иши юришиб қолди. Кўпдан бери уларга ҳавас қилиб...

— Ха-а, фермер бўлгинг кепропти-да, — деди отаси гапни чўт кесиб. — Аммо, бу сен ўйлагандек осон иш эмас. Биринчидан, раҳбарларнинг кетидан югуравериб, силанг қурийдик. Иккинчидан, мабодо рози бўлишганда ҳам ташладиқ жойлардан ер беришади. Кейин ўз ёнига ўзинг коврилиб юрарасан.

— Дусларим билан маслахатлашиб қўйдим, — деди Малик отасини қўмлатиш учун. — Уртада пул тўлаб, ҳар қандай ноёб ер бўлса ҳам эпакага келтириб олам.

Боядан бери сўз қўшмай ўтирган онаси гапга аралашди:

— Келинг, отаси, шу эрта тонда ўғлимизнинг шаштини кайтармак. Дуога кўл очинг, оқ фотиха беринг.

Отаси фотиха беришга берди-ю, аммо жиддий оғохланганди:

— Деҳқончиликнинг минг бир машаққати бор. Ҳеч бир экин деҳқоннинг хатосини кечирмайди. Бу гапни яхшилаб қўлогингга қўйиб ол.

Ишнинг энгил кўчганидан қувонган Малик тўппа-тўғри Навой номли ширкат ҳўжалиги раиси ҳузурига йўл олди.

— Яхши ўйлабсан, — деди раис хайрихолик билдириб. — Асл деҳқоннинг фарзандисан, далада кўзинг пишган, қўллаб-қувватласак арзийди. Аммо, сенга бир ҳафта муҳлат, яна бир яхшилаб ўйлаб кўр. Мен бунгача туман ҳокимининг розилигини олишга ҳаракат қиламан.

Ҳоким Малик Каримов тўзатган фермер ҳўжалигига тегишли ҳўжатларга имзо чекаркан, унга синчков назар ташлади:

— Жуда қийин бўлади. Ишни бошлаб қўйиб, орқага қайтиш нималигин билармиз? — Ишончинларни оқлашга ҳаракат қиламан, — деди у.

Шундай қилиб 2000 йилнинг кузига «Покиза-М» фермер ҳўжалиги ташкил топди. Ойла аъзоларидан ташқари тажрибали деҳқон, механизатор, токарь ва чилангарларни

ишга олди. Зудлик билан 20 гектар ер тайёрланиб, келаси йил ҳосили учун бугдой уруғи сепилди ва унинг парварishi укаси Ихтиёр, ўғли Саидҳаким ва янги аъзо Камол Султоновга бириктириб қўйилди. Текис ва қалин униб чиққан бугдой ниҳоллари куздаёқ ўғитга тўйдирилиб, икки марта сугорилди.

Бу пайтда Маликнинг ўзи механизатор, токарь ва чилангарларни ёнига олиб, у ер-бу ердан харид қилинган техника ва сув насосларини кўклами дала ишларига тайёрлаш билан машғул бўлди. Эрта баҳорга келиб, 32 гектар ер обдон текисланди. Гектар ҳисобига 15-20 тоннадан чиқарилган маҳаллий ўғит солинди. 55 киловатт электр қуввати билан ишлайдиган сув насоси

зилган шартномага нисбатан эса 16 центнер кўп демакдир. Натижада 6 миллион сўм соф даромад кўрилди. Ҳар бир ишловчининг даромади эса 200-250 минг сўмданга тўғри келди.

— Бошиданок астойдил ишлаганимиз учун пахтаимиз ҳам яхши бўлди, — дейди Малик Каримов. — Бизгача аранг 10 центнер ҳосил берган 32 гектар ердан режадаги 29 центнер ўрнига 35 центнердан хирмон кўтардик. Биринчи йиллик эришган ютуқларимиздан кўнгли тўлган, бизга ишончи ортан туман раҳбарияти яна 56 гектар ер қўшиб берди.

Бу йил ҳам 80 гектар майдондаги ғўза, 25 гектардаги бўғдой фақат насос билан, 10

гектар шולי эса, туман марказидан оқиб ўтадиган Заҳарик сувини дамба ёрдамида кўтариш ҳисобига сугорилганга қарамай, ҳосил чаки бўлмади.

Мирзаали Ковунбоев, Шавкат Собиров, Маъмур Холбоев, Асҳад Турсунбоев ўн гектар майдонда етиштирган шולי қарийб 50 центнердан ҳосил тўқди.

— Йўл четлари ва ариқ бўйларига яхши ният билан уч минг туп терак экандик, — дейди фермер ҳўжалиги аъзоси Азиз Шокиров. — Яна бешолти йилдан сўнг 10-12 миллион сўм даромад беради.

«Покиза-М» бор-йўги иккинчи йил фаолият юрятьпти. Шунга қарамай, иш кўлами, даромад борасида бошқалардан ўзиб кетди. Аммо, тадбиркор фермер бу билан ҳам қаноатланмаётти.

— Яқинда банкдан 10 миллион сўм кредит олдик, — дейди у. — Чорвачиликка ҳам кўл урмоқчимиз. Юз бош қарамолга мўлжаллаб молхона қуриш, соғин ситир ва бўрдо-

ЎЗИМИЗГА ҲАМ, ХАЛҚҚА ҲАМ ЕТАДИ

дейди пилла, галла ва пахтадан ҳар йили мўл ҳосил етиштириб, мўмай даромад олаётган оқкўргонлик фермер Малик Каримов

РЕСПУБЛИКА КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИДА

Ўтган ҳафтада 1 та ким ошди савдоси ва 2 та биржа савдоси бўлиб ўтди.

Ким ошди савдосида Юқоричирчиқ туманида жойлашган 7 та ер майдони 407,0 минг сўмга, Паркент туманида жойлашган 26 та ер майдонлари 5950,0 минг сўмга сотилди. Биржа савдосида 3 та нодавлат автотранспорт 450,0 минг сўмга сотилди.

Зангиота тумани, «Наврўз» ширкат ҳўжалигида жойлашган, сатҳи 400 кв.м. бўлган, 1 дан 11 гача бўлган рақамли жами 11 донга ер майдони савдодан олинди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Республика Кўчмас мулк биржасининг Тошкент виллоят филиали Сиз азияларни 2002 йил 11, 18, 25 декабрь кўнлари соат 10.00да ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:
1. Юқоричирчиқ тумани солиқ инспекцияси томонидан хатланган Юқоричирчиқ туманида жойлашган, «МПК-419» МЧЖ корхонасининг 2 қаватли раҳбарият биносининг 2-қавати.

Бошланғич баҳоси — 2 275 200 сўм.
2. Қибрай тумани солиқ инспекцияси томонидан хатланган Қибрай туманида жойлашган, Тошкент кооператив коллежига қарашли, майдони 278,9 кв.м. бўлган ошкона биноси объекти.

Бошланғич баҳоси — 4 583 100 сўм.
3. Янгийўл тумани Маданият ишлари бўлимига қарашли 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-96 ТШН бўлган Т-12-02А русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 212100 сўм.
Бундан ташқари, олдинги ким ошди савдоларида сотилмай қолган ёки савдо натижаси беқор қилинган кўчмас мулк объектлари ва ер майдонлари ҳам савдоларга қўйилади.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридидаги маблағ ва ДСИ томо-

нидан хатланган мулк учун баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Хususiyashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент виллоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. **Тел:** 133-28-52, 133-77-18, **факс:** 133-43-73.

Шунингдек, 2002 йил 12, 19, 26 декабрь кўнлари соат 11.00 да ўтказиладиган танлов савдоларига таклиф этилади.
Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. Зангиота тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Зангиота тумани Боз-сув қишлоқ ҳудудида жойлашган 29-сонли «Лола» болалар боғчаси объекти.

Бошланғич баҳоси — 15 641 600 сўм.
2. «Чирчиққурилиш» оқиқ акциядорлик жамиятига қарашли, Чирчиқ шаҳар, Абу Али ибн Сино кўчасида жойлашган «Белочка» болалар боғчаси объекти.

Бошланғич баҳоси — 38005100,0 сўм.
Бундан ташқари олдинги танлов савдоларига қўйилган ва сотилмай қолган болалар боғчалари ҳам ушбу савдоларга қўйилади.

Танлов савдосига қатнашишни хоҳловчилар, савдо ташкилотчиси — Тошкент виллоят Кўчмас мулк биржасига қуйидаги ҳужжатларни такдим этиши лозим.

— Белгиланган шаклдаги ариза;
— Объектга таклиф қилинаётган баҳо ва уни ишлатишнинг бошқа жиҳатлари кўрсатилган алоҳида конвертда муҳрланган бизнес-режа ва таклифлар;

— Савдо ташкилотчиси (РКМБ ТВФ)нинг ҳисоб рақамига объект бошланғич баҳосининг 10 фоизлик гаров пули тўланганлиги ҳақида тўлов қогози нусхаси;
— Юридик шахслар учун рўйхатдан ўтганлиги ҳақида ҳужжатлар нусхаси;

— Юридик шахслар учун нотариус томонидан тасдиқланган Низом нусхаси;
— Жисмоний шахслар учун — паспорт.
Такдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес-режалар савдо кўни Тошкент виллоят Кўчмас мулк биржасида соат 11.00 да комиссия иштирокида очилади. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 3 кун қолганда тўхтатилади.

БОЛАЛАР БОҒЧАСИНИ СОТИБ ОЛИШНИНГ ШАРТЛАРИ

1. Мактабгача болалар муассасасининг фаолият йўналишини 5 йил мобайнида ўзгартирмаслики.
2. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиши.
3. Амалдаги талаб ва меъёрларга мувофиқ болалар мактабгача муассасаси биноси, иншоотларини таъмирлаш ва қайта қуриш.
4. Боғча ҳудудини санитар талаблар бўйича ободонлаштириш, ёнғинга қарши чора-тадбирларга мувофиқ сақлаш.
5. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва меърий ҳўжатларига асосан, болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
6. Таъсисчилар Низомида педагогик фаолият билан шўғулланиш бандининг мавжуд бўлиши.
7. Болаларга хизмат кўрсатиш тарифи бўйича таклиф бериш.
8. Объектнинг баҳоси бўйича таклиф бериш.
9. Давлат таъсиррифиди бўлган ва фаолият олиб бораётган болалар боғчалари таркибида ёки унинг ҳудудида болалар боғчаси тузиш, шунингдек, аҳоли истикомат қиладиган жойларда фаолият олиб бораётган давлат ихтиёрида бўлган болалар боғчаси ягона бўлса, алмаштириш мумкин эмас.
10. Хусусийлаштириш субъектлари болалар боғчаларидан белгиланган тартиб бўйича фойдаланишларини қафолатлаган жисмоний ва юридик шахслари бўлиши мумкин.

Эслатма: сотиб олувчилар томонидан мулкнинг харид тўловларидан ташқари, яъни давлат божи ёки Давлат ордерини олиш учун, мулк харид қийматининг бир фоизи миқдоридидаги маблағ ва баҳолаш хизмат ҳақини алоҳида «Хususiyashtirishga ko'maklashish konsalting markazi» ҳисоб рақамига ҳужжатлар асосида тўланади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, виллоят ҳокимияти биносининг ўнг қаноти. **Тел:** 133-28-52, 133-77-18, **факс:** 133-43-73.

ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

2003-2005 йиллар илмий дастурини бажариш учун қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

1. Катталар ўткир жароҳати бўлими
 - илмий раҳбар (т.ф.д., т.ф.н.) — 1 ўрин
 - катта илмий ходим (т.ф.д., т.ф.н.) — 1 ўрин
2. Болалар ўткир жароҳати бўлими
 - илмий раҳбар (т.ф.д., т.ф.н.) — 1 ўрин
 - катта илмий ходим (т.ф.д., т.ф.н.) — 2 ўрин
3. Ком

КИОТОДА ЎЗБЕК СЎЗНАЛАРИ

Япониянинг кўҳна пойтахти Киото шаҳри марказида жойлашган «Накаяма» галереясида мамлакатда ilk бор ўзбек сўзналари кўргазмаси очилди.

Маъжур кўргазма Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси ҳамда таниқли санъатшунослар Фумико Накаяма ва Мамико Окабелар томонидан ташкил этилди. Бир ой муқаддам Күнчиқар мамла-

тисосига кўра яқинда қайта намоиш этилди. Бу, алабатта, Япон жамоатчилигида ўзбек халқ амалий санъати, хусусан, сўзналарга нисбатан пайдо бўлган катта қизиқиш белгисидир.

Кўргазманинг очилиш маросимида Киото префектураси раҳбарлари, санъатшунос олимлар, маданий-маърифий ташкилотлар мухтаassisлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

БОШ СОВРИН ЁШЛАРИМИЗДА

Афинада Греция маданият вазирлиги ташкил этган «2004 йил Олимпиада ўйинлари бутун жаҳон болалари тинчлиги ва дўстлиги учун» мавзусидаги 10-халқаро болалар расмлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон санъат академияси томонидан танловга юборилган Бахш Кшенев, Малика Кенжабоева ва Сивил Алиев каби ёш ўзбек мўйқалам усталари расмлари бош совринга муносиб топилди ва олтин медал билан тақдирланди.

«Жаҳон» АА.

Германиянинг Штутгарт шаҳрида "Буюк Ипак йўлининг халқ усталари" деб номланган кўргазма якунланди.

У мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси, "Мунаввир" илмий ишлаб чиқариш маркази ҳамда "Линденмузеум" давлат этнография музейи билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистон ва Германия ўртасида дипломатик муноса-

ШТУТГАРДА НАМОЙИШ ЭТДИЛАР

блатлар ўрнатилганининг ўн йиллигига бағишланган ўшб кўргазмада етти ой давомида намоиш этилган гиландўзлик, заргарлик, нақшошлик, лок миниатюраси, мисгарлик каби халқимизнинг асл амалий санъатига сўд намуналари хориқликларда катта қизиқиш уйғотди.

Этиборга молик жиҳати — уста ва хунармандларимиз бу ерда халқ амалий санъатининг барча турларини, махсулот яратиш жараёнини томошабилар кўзи ўнгига намоиш этиш орқали миллий маданиятимиз, санъатимизни кенг тарғиб этиш имконига эга бўлди.

ЎзА.

КУЗГИ ПАЛЛАЛАР...

Ястаниб ётибди, саргайган далалар, Эзатлар оралаб мезонлар учмоқда. Кўнгулга не келмас Ох, кузги паллалар — Хаёлдай паршон хазонлар учмоқда.

Офтобнинг тиги-ю, Тупроқнинг ҳовури Сўнгуздай қоршиб кетади... менимча: Олтин куз — малларанг от минган сувори, Ёки у юзига тўр тутган келинчак.

Олтин куз энтиқиб, Қайғадар шоади, Оёғи остида хазонлар чирпирак. Пахтакор дўстим ҳам хирмонлар бошида — Юзлари ёруғдир, дўпписи чамбарак.

Мен кузни эркалаб шеъримга соламан, ...Ястаниб ётибди мен севган далалар. Ўзимча бир сўзни такрорлаб қоламан: — Ох, кузги паллалар, Ох, кузги паллалар...

Оҳиста эсади қирғиқ шомоли, Анҳорда гижирлаб чархпалак айланар. Зангори самода елкалаб аъмолин — Турналар карвони сафарга шайланар.

Турналар карвони сафарга шайланар, Тезлашиб кетгандай кунларнинг одими. Япроқлар саргайиб хазонга айланар, Намхуш ел келтирар илк ёмғир ҳидини.

Яна барлар саргайди сариқ, Ушалмаган хаёлдай эзгу. Яна қалбаб сўнгисиз бир оғриқ — Хазонрезги бу, хазонрезги!

Жилва қилар, кўнгулга яқин, Сунбуланинг суварли кўзгу. Юзлардаги серчиққ ажин — Хазонрезги бу, хазонрезги!

Ҳаёт отлиқ чавандоз аста — Ута бошлар армонли сезги. Оҳ урасан, ўшанда ростдан — Хазонрезги бу, хазонрезги!

ФАЛСАФА

Ҳар қанча баандидир ўтирар курсинг, Бошингни деворга тегишлари бор. Омадинг тарқ этиб, бир бўрон турса — Зўр чинор бўсанг-да, эгшилари бор.

ЖИМГИНА ЎТАМАН...

Сени олқийлайман, буюк хиёнат, Совуқ кўларингни кафтимда тутиб. Шу дамлар қайтмасин, — дея бетиқот, Дуолар ўқийман, ўзни унутиб...

Лаблардан сўз учар: «Тушининг, ахир...» Бош эгиб хўрсинар, балки омонат... О, аёл юраги мунчапар соҳир — Сени олқийлайман, буюк хиёнат!

...Жимгина ўтаман олма кўприқдан, Жимгина ўтади зил юк, хиёнат. Бир томчи ёш эриб борар киприқда — Сизни севоладим, дегмай фақат... Сени олқийлайман, буюк хиёнат! Шавкат ТУРОБ.

НЬЮ-ЙОРККА — ВЕЛОСИПЕДАДА

Курраи заминимизни велосипедда айланиб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбек сайёҳи Мурод Қосимов Нью-Йоркка келди.

Собиқ ўт ўчирувчи Мурод Қосимов ўзининг дунё китъалари бўйлаб саёхатини босқичма-босқич амалга оширмақда. 1998 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб у Осиё ва Африканинг 25 мамлакатига бўлди. Навбатдаги босқич жорий йилнинг 27 майида бошланиб, Америкада якунланди.

Мурод Қосимов сафарларининг фарқли томонлари шундаки, у доимо йўлга инсоний меҳрибонлик, хайрихоҳлик ва Аллоҳ ёрдамига суяниб отланади. Ўзининг сафарлари давомида у ташқи муҳитни химоя қилиш, ёнғинга қарши хавфсизлик чораларини кўриш ва Ўзбекистон ютуқларини омма орасига ёйиш бўйича тарғибот ишларини фаол амалга оширади.

Етти ой мобайнида Мурод Қосимов 11 сентябрь террорчилик ҳаракати қурбонлари, шу жумладан, ўз ҳамкасблари — ўт ўчирувчилар хотирларини ёдга олиш мақсадида Тошкентдан Нью-Йоркка бўлган узок масофани босиб ўтди.

Саёхатнинг навбатдаги босқичи БМТ биноси олдида мамлакатимиз вакилининг шаҳар аҳолиси, журналист ва дипломатлар билан видолашувидан сўнг якунланди.

Б. МАМАЖОНОВ, «Жаҳон» АА, Нью-Йорк.

ЮТУҚҚА ТЕНГ ДУРАНГ

Мамлакат XI миллий чемпионати иштирокчилари навбатдаги 26-тур учрашувларини ўтказдилар. Сақкиз ўйнинг бештасида майдон эгалари зафар қўчган бўлсалар, уч учрашуда дуранг натижа қайд этилди.

«Дўстлик» Андижонда майдон эгаларига қарши баҳс юритди. Меҳмонлар галаба қозонишса, «Дўстлик»дан олдинга ўтиб олишлари мумкин эди. Шунинг учун 22-дақиқада ҳисобни очиб, олдинга чиққан бўлсаларда, галаба қозониш уларга насиб этмади. Ойбек Усмонов-ўжаевнинг тўғи дўстликчиларга муҳим очко келтирди ва улар 32 очко билан саккизинчи ўринни сақлаб қолдилар.

«Металлург» ўз майдонда «Сурхон» жамоаси билан учрашди. 28-дақиқада олий табақадаги яна бир вакилимиз Вячеслав Пономарев ҳисобни очигина эришти. 1:0 ҳисоби ўйин охиригача сақланиб қолди. «Металлург» очколарини

42 тага етказди ва жавабда бешинчи ўринга кўтарилиб олди. Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди. «Навбахор» — «Насаф» — 1:1; «Пахтакор» — «Бухоро» — 2:0; «Самарқанд-Д» — «Сўғдиёна» — 2:0; «Машъал» — «Кўкун-1912» — 2:0; «Трактор» — «Зарафшон» — 3:3; «Қизилқум» — «Нефтчи» — 4:1.

Навбатдаги 27-турда (9 ноябрь) «Пахтакор» Фарғонада «Нефтчи»га қарши майдонга тушади. Агар пахтакорчилар майдон эгаларига галабасини таъминлади. Бу турда вилотиимиз жамоалари «Дўстлик» майдонига ўзаро баҳс юритадилар.

ВАКИЛЛАРИМИЗ

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Миллий чемпионатнинг биринчи табақасида ҳам навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди.

31-турда Куvasойда «Цементчи»га қарши майдонга тушган «Ангрен» футболчилари пешқадамга қарши яхши ўйин кўрсатдилар ва учрашув охиригача тенг кураш олиб борган бўлсаларда, сўнгги дақиқаларда меҳмонларга омад қилиб боқди. И.Отамуродов майдон эгалари дарвозасини ишғол қилиб, ўз жамоасига муҳим галабани келтирди. «Кимёгар» эса, «Турон»ни қабул қилиб, 2:0 ҳисобида зафар қучди.

Навбатдаги 32-турда эса «Ангрен» Шаҳрихонда майдон эгаларига қарши баҳс

юритиб, ўз дарвозасидан бир тўп ўтказиб юборди. «Солиқчи» — «Кува» учрашувининг 15-дақиқасида меҳмонлар ҳисобни очдилар. Иккинчи бўлимда эса А.Бўриев ҳисобни тенглаштирган бўлса, сўнгги дақиқада С.Рустамов «Солиқчи»нинг 2:1 ҳисобидagi галабасини таъминлади. Чемпионатда ҳамон «Гулистон» 66 очко тўплаган қолда қарвонбошлиқ қилмоқда. Иккинчи ўриндаги «Цементчи»да 63 та очко бор. Учинчи ўринни эса 62 очко билан «Ангрен» банд этган. Талъат ЮСУПОВ.

БАҲСЛАРДА — УЧИНЧИ

Наманган шаҳрида от спорти бўйича Ўзбекистон очиқ биринчилиги бўлиб ўтди.

Баҳсларда 12 жамоа иштирок этди. Вилотиимиз вакиллари жамоалар ўртасида фахрли учинчи ўринни қўлга киритдилар. Шахсий биринчиликда эса Армен Палитов ўзининг «Профи» лақабли оти билан голиб чиқди.

Голиб ва иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди. Улугбек АЪЗАМОВ.

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Дунёдаги энг энгил танга пулнинг оғирлиги атиги 0,008 грамм бўлиб, у 1740 йилда Непалда муомалага киритилган кумуш тангалардир. Шведлар томонидан 1644 йилда зарб этилган танга пулнинг оғирлиги эса 19 кг. 700 граммга тенг бўлган.

The New York Times of Sunday газетасининг 1965 йил 17 октябры сони газеталар орасида энг кўп саҳифада чоп этилган нашр сифатида Гиннесснинг рекордлар китобидан жой олган. Газетанинг ўша сони 946 саҳифадан иборат бўлиб, ундан 15 рунг ҳамда 1200000 сатрли эълонлар ўрин олган. Газетанинг оғирлиги ҳам шунга яраша — нақд уч килограмдан ортиқ эди.

Қўлганга Етсин!

Афанди бир куни хотинидан жуда хурсанд бўлиб: — Зап хотиним бор-да! Афсуски, онанг битта туққан, — деди. — Иккита туққанда, синглимни кимга муносиб кўрар эдингиз? — деди хотини. — Уни ўзим олар эдим, — жавоб берди Афанди.

Тошкент вилот Адлия бошқармаси Тўйчиев Жўравойга 1998 йил 19 октябры куни берилган TS 000065 сонли ва Сапаралиев Пулатга 2000 йил 16 ноябры куни берилган нотариал фоиляти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни БЕКОР ҚИЛАДИ.

Чиноз туманидаги Нодира номи 17-урта мактаб томонидан Айдархан Мирзагелдиев Номидга 1992 йилда берилган 028022 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛАДИ.

ИБРАТНОМА

хотини кучоқ-кучоқ қилиб ўчоққа солиб ёқарди. — Эй хотин! Сен нима қиляпсан, ўзи? Шунча ҳам ўтин ёқиладимми? Сал аяб ёққин ўтинларни, буларни олиб келиш оосон эмас, ахир, — деди у одам тутубди. — Вой-бў, намунча хасиссиз. Нима

таланиб ётиб қолди. Тоғдан ўтин кесиб келтириш хотиннинг ўзига қолди. Хотин бориб ўтин кесиб орқалаб келди. Эри туриб ўчоққа бир кучоқ ўтин ташлади. Буни кўрган хотини: — Сиз қандай одамсиз, нима қиляпсиз? Ўтинни минг машақат билан кесиб, орқалаб келдим, елкам яра бўлди. Аяб ёққин-да, ахир, мени холимга тушунинг, — деди алам билан.

— Яхши хотин, сен айтганча бўлсин. Хафа бўлма, бир тутам ўтинни бекоорга ёқмайман, — деб хотинини тинчлантирди у. Ўзи эса отабоболаримиз: «Одамга минг ўғит бергандан, қийинчилик тезроқ ақл киргазди», деб жуда тўғри айтганларига яна бир бор амин бўлди. Изоҳки, шунга ўхшаш эрининг молмулкни ўзи ва болаларининг ҳам мулкни эканлигини тушунмай, уни совуриб исроф этувчи хотинлар ўз оиласи саодатини ўз қўллари билан йўққа чиқарадилар, демасқидир.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

СКАНВОРД

Сканворд тўрқаси. 10x10 тўрқа. Қўлланма: Овоз, товуш; Фалсафа (русча); Асир, бақди; Бухородаги туман; Ташвиш; Ибодат, намаз; Инсон аъзоси; Севги; ВА3-2108; Хавақ, чўп; Интизор бўлиб кутувчи; Уртоқ, дуёт; Миср пойтахти; Санок сон; Автомобил қисми; Ваъдада қатъий туриш; ...ишга очар (мақол); Муассафа; Алччи; Тираж, усту; Мунофиқлик; Энг катта қон томир; Ишдаги чалғалоқ; Чумчуқсимон, сайроқи туш.

Тузувчи: Акромжон ХУЖАМОВ.

РАМАЗОН КУНЛАРИ

Table with 5 columns: Рамазон кунлари, Ноябрь-Декабр, Ҳафта кунлари, Сахарлик вақти, Ифторлик вақти. Rows 1-30.

ОҒИЗ ЁПИШ (РЎЗА ТУТИШ) НИЯТИ

Навайи ан ас-сума совма шаҳри Рамазона минал фаҳри илал магриби холисан лиллаҳи Таъала. Аллоху акбар.

Маъноси. Рамазон ойи рўзасини холис Аллох Таоло учун субҳдан то кун ботгунгача тутмоқликни ният қилдим. Аллоху акбар.

ОҒИЗ ОЧИШ (ИФТОРЛИК) ДУОСИ

Аллохумма лака сумту ва бика аманту ва аълайка таваккалту ва аъла ризқика афтарту. Фағфирли йа Гоффару ма қодамту ва ма аххарту.

Маъноси. Аллоҳим, ўшбу рўзамни фақат сенинг учун тутдим ва сенга иймон келтирдим ва сенга таваккал қилдим ва сен берган ризқинг билан оғзимни очаман. Эй, гуноҳларни авф этгувчи зот, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қил.

Халқ табобати



Янги нок меваси, суви ва қокисидан тайёрланган қайнатмалар пешоб ҳайдашда, иссиқни тушириш ва йўталга қарши қўллалилади. Улар ҳазм йўли ишини тартибга келтириш учун, ичкертага қарши ҳам тавсия этилади. Нок баъзи ҳолларда ич оғриб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун нокни истеъмол қилинганидан кейин, устидан асал қўшилган чой ичиш лозим. Юрак ўйнайдиган маҳалларда, қовуқ касалликларда нок фойдалидир. Кўзиқориндан заҳарланганда яхши ёрдам беради.

Замонавий табобатда нок мевалари қайнатмаси сийдик-тош касаллигида пешоб ҳайдаш учун ишлатилади. Нокда калий кўп бўлганидан, уни истеъмол қилиш пешобда кислоталар камайишига оила келади, натижада пешоб кислотатузларининг эрувчанлиги кучайиб, буйрак тошлари пайдо бўлишининг олди олинади. Меваларда бўладиган пектин моддаси ўт ҳайдаш таъсирига эга бўлиб, ичак юришувини яхшилаши аниқланган.

Тайёрлаш усули: майдаланган 1/2 стакан нок қоқиси ва 3 ош қошиқ сули ёрмаси 2 стакан сувда қайнатилиб, 1 соат дамлаб қўйилади-да, кейин сузиб олинади. Ич кетарда овқат олдиндан 1/2 стакандан кунига 4 маҳал ичилади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ ТАШКЕНТНИНГ ПРАВАДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

Матбуатимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририят компьютер марказида тартибда саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.